ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРГА — ГУВОҲНОМАЛАР 2-бет
ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ НАФАСИ 3-бет
ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ 4-5 бетлар
ЯПОН ҚЎҒИРЧОҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИ 8-бет



ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ | № 50 (10.103) | 2004 ЙИЛ 17 МАРТ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ва Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси ҳамкорликларида Халқаро истеъмолчилар кунига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар ИИББнинг «Маънавият» марказида Миробод туман вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси ва туман прокуратураси ҳамкорлигида Енгил саноат касб-ҳунар коллежи талабалари учун очиқ мулоқот уюштирилди.

● **БУГУН** «Бунёдкор» ёшлар телеклубида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи томонидан ташкил қилинган «Маънавият гулшани» ёшлар мулоқот гурунги туркумидан «Тошкент ўтмишидан» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● **1-ТОШКЕНТ** Давлат тиббиёт институтида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан «Нотиқлик санъати» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** «Машинасозлар» маҳалласида иқтидорли болалар ва қизлар иштирокида уюштирилган кўрик-танлов «Маҳалламиз қизлари — маҳалламиз йигитлари» деб номланди. Шунингдек, тадбир доирасида ўн нафар маҳалла болаларининг мучал тўйлари ҳам уюштирилди.

● **ЭРТАГА** «Ўзэкспомарказ»да «Флора экспо» гуллар кўргазмаси ўз ишини бошлайди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Кинематография соҳасида бошқаришни takомиллаштириш тўғрисида

***Мамлакатимизда эркин демократик жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ўзгариш ва ютуқларни, миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини кино санъати воситасида бадиий акс эттириш, кинематография соҳасининг халқимиз ҳаётидаги, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, ғоявий-бадиий савиясини ошириш, уни ҳозирги замон талаблари асосида янада такомиллаштириш мақсадида:***

1. «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон киноарбоблари бирлашмаси, Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгашининг «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компаниясини «Ўзбеккино» Миллий агентлиги этиб қайта ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кино санъатининг миллий маданиятни ривожлантириш, жамият маънавий ҳаётини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, бу соҳани умумбашарий ва миллий қадриятлар уйғунлиги асосида тараққий эттиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

кино санъатида, кино-видеофаолият соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш; кинематография соҳасида фаолият кўрсатаётган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва киностудияларни, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

миллий кино санъатининг энг яхши анъаналарини изчил давом эттириш ва бойитиш мақсадида иқтидорли ёш кинематографчиларни тарбиялаш, уларнинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат фильмлар фонди фаолиятини бугунги кун талаблари негизида ташкил этиш;

кинофильмлар яратиш ва уларни намойиш этиш тизимини танловлар ташкил этиш орқали такомиллаштириш ва қайта техник жиҳозлаш, аҳолига кино-видеохизмат кўрсатиш даражасини ошириш;

муаллифлик ҳуқуқлари ҳимояланган кино ва видео маҳсулотларини ноқонуний равишда республика ҳудудига олиб киришга, улардан фойдаланиш, ижарага бериш ва тарқатишга қарши зарур чоралар кўриш;

импорт ва экспорт қилинадиган кино ва видео маҳсулотларига эксперт баҳоси берилишини амалга ошириш, республика ҳудудида кино ва видеофильмлар кўрсатиш ва улардан техник жиҳатдан фойдаланишнинг қоидаларини белгилаш;

кинематография соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, миллий кино маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш, хорижий кино ишлаб чиқарувчи ташкилот ва киноижодкорлар билан алоқаларни кенгайтириш, миллий кино санъатини халқаро кинофестивалларда намойиш этиш.

3. «Қорақалпоқкино» давлат-акциядорлик компанияси «Қорақалпоқкино» агентлиги этиб ҳамда «Кино-видео» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг тегишли ҳудудий бўлимлари этиб қайта ташкил қилинсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

кино ва видеомаҳсулотларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва прокат бўйича фаолият турларига лицензиялар бериш, уларнинг амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгашининг хулосасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади;

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги Вазирлар Маҳкамасининг лицензиялаш соҳасидаги ишчи органи вазифасини бажаради.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 29 апрелдаги «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-1427 Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида мазкур Фармонни бажариш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 16 март

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.**

**● Кеча Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг Наманган вилоятидаги ижроси муҳокама қилинди.**

**● Наманган вилоятида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалик ўн кунлиги ўтказилмоқда. Унинг доирасида ҳозирга қадар 700 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди, янгидан ташкил қилинган боғларнинг майдони деярли 100 гектарга кўпайди.**

**● «Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси томонидан 7 миллиондан ортиқ турли кўчатлар экишга тайёрлаб қўйилди.**

**● Уйчи тумани Жийдакапа қишлоғида жойлашган «Уйчиқишлоқмаш» ҳиссадорлик жамияти жорий йилдан бошлаб катта ёшдагилар учун «Водий» деб номланган велосипед ишлаб чиқара бошлади. Корхона томонидан йил давомида 2 минг дона велосипед чиқариш мўлжалланмоқда.**

**● Қадим Хиванинг Арк майдонига туташ муҳташам мадрасада хоразмлик истеъдодли сураткаш Рўзимат Жуманиёзовнинг ижодига мансуб «Хива дурдоналари» номли кўргазма очилди.**

### Жаҳонда

**● Ҳафта бошида Испанияда бўлиб ўтган сайловларда Хосе Луис Родригес Сапатеро бошчилик қилаётган социалистлар партияси ғолибликни қўлга киритди. Янги бош вазир эндиликда давлатнинг асосий кучи терроризмга қарши курашишга сарфланишини таъкидлади.**

**● Грузия ва унинг таркибига кирувчи Аджария Республикаси ўртасидаги зиддият янада кучайди. Грузия раҳбариятининг зиддиятнинг олдини олиш мақсадида махсус марказ ташкил этиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди.**

**● Хитой парламенти Конституцияга қонуний йўл билан олинган хусусий мулкнинг дахлсизлигини кафолатловчи ўзгаришлар қабул қилди.**

**● Опера санъатида ўчмас из қолдирган бетакрор жарангли овоз соҳиби Лучано Паваротгининг хайрлашув концерти бўлиб ўтди.**

**● Полиция Греция пойтахти Афина шаҳридаги Citibank банки биноси ёнида бомбани топиб уни зарарсизлантирди.**

***Бугун юртимизга кириб келаётган меҳр-мурувват, саховат, оқибат, эзгулик, яшариш ва янгиланиш байрами, қадриятларимиз гултожи бўлган Наврўзни интиқлик билан соғиниб кутмоқдамиз.***

*Ўлкамизда Наврўз нафаси*

## ПОК УМИДЛАР БИЛАН ПЕШВОЗ ЧИҚАЙЛИК

Унинг йўлларига поёндоз бўлиб гулу чечаклар очилган, катта қозонларда биқирлаб сумалаклар қайнамоқда, бобо деҳқон яхши ният билан даласига барака уруғини қадамоқда. Табаррук оталаримиз, мунис оналаримизнинг чаккаларида чучмомаю қўллари дуода.

Бутун борлиқ озодалик, покланиш, кўкаламзорлаштириш билан нафас олмоқда. Маҳаллаларимизда аллақачон байрамлар бошлаб юборилган, сумалагу кўк сомсалар дастурхонга кўрк бағишлаб турибди. Шайхонтоҳур туманидаги «Ҳувайдо», Юнусобод туманидаги «Боғи шамол», Яккасарой туманидаги «Ўриксор» маҳаллаларида энг қадимий, айни вақтда навқирон бўлган Наврўзи оламга бағишлаб ўтказилган катта байрам тадбирлари иштирокчилар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолишига асло шубҳа йўқ.

Юртимизга чирой бериб, омборларимизни донга, дастурхонимизни мўл-кўлчилик ва баракага тўлдириб, барчани меҳр-оқибатли бўлишга, қадр-қимматни эъзозлашга чорлаб кириб келаётган Наврўз айёмига очиқ юз, пок орзу-умидлар билан пешвоз чиқайлик. Токи ҳаётга эндигина кириб келаётган, ёруғ оламга ҳайрат билан боқаётган жажжи дилбандларимиз мусаффо осмон, мустақил юрт қўйнида эмин-эркин, илмли, соғлом, баркамол бўлиб вояга етсинлар. Бобо-ю бувиларининг муносиб издошлари бўлсинлар.

Наврўз миллий ва умуминсоний қадриятларимиз билан боғлиқ байрам. Шундай экан ҳар биримиз бу қутлуғ кунларда бир-биримизга, меҳрга муҳтож, етим-есир, якка-ёлғиз инсонларга беминнат кўмак берайлик, гина-кудуратларни унутиб, хайру саховат камарини белга боғлаб инсоний бурчимизни бажариб, улуғ айёмимизни ёруғ юз билан кутиб олайлик.

**Ассалом Навбаҳор! Хуш келдинг Наврўз!**
**Покдомон элларга мангу бўлгин дўст!**
**Баҳор чиройидан файз топсин олам,**
**Оллоҳим! Ҳамиша мадад қўлинг чўз!**

*Иқтисодиёт*

## АЁЛЛАР ҲАМДА БОЛАЛАРГА

**Юртимиз иқтисодиёти ривожида кичик ва хусусий бизнес билан шуғулланувчилар салмоқли ҳисса қўшишга ҳаракат қилишмоқда. Улар бугунги кунда давлатимиз томонидан яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда иш юритмоқдалар.**

«Орзу-Бахт» масъулияти чекланган жамияти чарм-атторлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ушбу жамоа бугунги кунга келиб 25 хилга яқин сифатли, кўркам, чидамли маҳсулотлар билан ички бозоримизни тўлдиришга улуш қўшмоқда.

Корхонада асосан аёлларнинг сумкалари — кундаликка мўлжалланганидан тортиб, бежиримларигача, рўзғорбоп катта ҳажмли, ҳар хил материаллардан замонавий ҳамда, ўқувчиларга бирбиридан чиройли, мустаҳкам, ранецлар, спорт сумкалари болажонларга футбол коптоклари ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

— Маҳсулотларимиз асосан маҳаллий хом ашёдан тайёрланади, — дейди корхона раҳбари, Мирғиёс Холиқов. — Ички бозоримизни ўрганиш асносида янгидан-янги, бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдамиз. Ўтган йили корхонамизнинг малакали ишчилари томонидан тайёрланган 143 миллион сўмлик маҳсулотлар ички бозорда сотилди.

## ТУРЛАРИ КЎПАЙДИ

**Шаҳримиздаги «Муҳр савдо» хусусий корхонасида тикилаётган ўринкўрпалар, парда, бешик анжомлари каби кўплаб турдаги маҳсулотлар харидорларни мамнун этмоқда.**

Жумладан, мазкур кичик корхонанинг моҳир тикувчилари билан бир қаторда қўли гул, нозик дидли попопчилар бир-биридан гўзал, кўзларни қувнатувчи чойшаб, палак, кирпеч каби келинчаклар уйини безатишга мўлжалланган миллий маҳсулотларимизни тикмоқдалар. Ҳозирги кунда уларнинг тури 25 тага яқинлашиб қолди.

— Маҳсулотларимиз нафақат чиройли, кўркам, балки сифатли бўлишига асосий эътиборни қаратамиз, — дейди хусусий корхона раҳбари Вазира Раҳимова. — Бунинг учун эса тикувчи қизларимиз Россия давлатининг юксак самарали дастгоҳларидан унумли фойдаланмоқдалар.

Жорий йилда кичик корхона тадбиркорларининг режалари улкан. Ички бозор талабидан келиб чиққан ҳолда маҳсулотларнинг турларини кўпайтириб боришни мақсад қилиб қўйганлар.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

# МИЛЛИЙ ВАЛЮТАМИЗ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***2003 йилда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий валютамиз барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Бу эса халқ хўжалиги учун жуда катта аҳамият касб этади ҳамда мамлакатимизда иқтисодий ўсиш ва инвестициялар ҳажмининг кўпайишига қулай шароит яратади.***

Жорий йилда мамлакатимиз пул-кредит сиёсати соҳасида қандай чоратадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда? Биз ана шундай савол билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари Муҳаммад Рўзимович ЖУМАГАЛДИЕВга мурожаат қилдик.

— «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборатдир. Бунда миллий валютанинг ички ва ташқи барқарорлигини таъминлаш кўзда тутилади.

Миллий валютанинг ички барқарорлигини таъминлаш учун Марказий банк томонидан инфляцияга қарши сиёсат юритилади, ҳисобкитоблар тизими самарадорлигини янада оширишга қаратилган пул-кредит сиёсати олиб борилади. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, жорий йилда ҳам инфляция паст даражада, яъни йиллик 6-8 фоиздан ошмаган миқдорда бўлиши таъминланади.

Миллий валютанинг ташқи барқарорлигини таъминлаш борасида валюта бозорининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш, мустаҳкам ва ягона алмашув курсини сақлаб туриш учун зарур шароит яратиш чоралари кўрилади.

**— Муҳаммад Рўзимович, яна бир масалага ойдинлик киритсангиз. Сўнгги пайтларда аҳоли орасида муомаладаги пулни алмаштириш кутилмоқда, деган гаплар юрибди. Бу миш-мишларга бирон-бир асос борми? Умуман мамлакатимизда пул муомаласининг ҳозирги кундаги аҳволи қандай?**

—Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бу гаплар учун ҳеч қандай иқтисодий асос йўқ. Чунки, ҳаммага яхши маълумки, ҳозирда мамлакатимиз пул тизими тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Буни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин.

Марказий банк томонидан амалга оширилаётган қатъий пул-кредит сиёсати натижасида сўнгги йилларда республикамизда инфляция даражаси мунтазам равишда пасайиб бормоқда. Масалан, инфляция даражаси 2002 йилда 21,6 фоиз бўлган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 3,8 фоизни ташкил этди. Буни ҳар бир фуқаро ўзининг кундалик ҳаётида ҳам ҳис қилмоқда.

2003 йилда миллий валютамизни жорий халқаро операциялар бўйича тўлиқ алмаштириш жорий этилди. Ҳозир фуқароларимиз валюта алмаштириш шохобчаларидан чет эл валютасини ҳеч қандай чекловларсиз эркин сотиб олмоқдалар.

Бундан ташқари, мамлакатимиз банкларига қўйилган аҳоли омонатлари ҳажми кескин ошиб бормоқда. Охирги икки йилда унинг миқдори 3 баробарга кўпайди. Бунга республикамиз тижорат банклари томонидан аҳоли учун қулай шарт-шароит яратилгани, аҳолининг банклардаги омонатларини кафолатлаш тизими мустаҳкамлангани ҳамда Олий Мажлис томонидан «Банк сири тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси миллий валютамизнинг тобора мустаҳкамланиб, обрўи ортиб бораётганидан далолатдир. Бир сўз билан айтганда, бундай шароитда муомаладаги пулни алмаштиришга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ.

**ЎзА мухбири Ж.РАУПОВ суҳбатлашди.**

## АСРИМИЗНИНГ ДОЛЗАРБ МАВЗУСИ

**Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида БМТ Тараққиёт дастури томонидан тайёрланган "Ҳалокатлар хавф-хатарини пасайтириш: тараққиёт масалалари" мавзуидаги маъруза тақдимоти ўтказилди.**

— Ер юзи аҳолисининг етмиш беш фоизига яқини бир марта бўлса ҳам ер силкинишлари, циклонлар, сув тошқинлари ёки қурғоқчиликлар рўй берадиган ҳудудларда яшайди, — деди БМТ ТДнинг Ўзбекистондаги доимий вакили вазифасини бажарувчи Эрик де Мул. — Ҳозирги кунда табиий офатларнинг инсоният тараққиётига таъсири оқибатлари аниқланмоқда.

Маърузада ер юзининг юздан зиёд мамлакатларидаги зилзилалар, тропик циклонлар, сув тошқинлари ва қурғоқчиликларнинг таъсири ҳақида маълумотлар берилган. БМТ томонидан ишлаб чиқилган ҳалокатлар кўрсаткичи бўйича Арманистон, Туркия, Россия, Грузия ҳамда Қирғизистон ер силкинишлари ҳалокатлари даражаси юқори мамлакатлар гуруҳига киради. Озарбайжон, Албания, Ўзбекистон ва Қозоғистон эса ҳалокатларнинг кўрсаткич даражаси ўртадан то юқоригача бўлган гуруҳига киради.

Эрик де Мулнинг таъкидлашича, маърузада табиий офатлар инсоният тараққиётига салбий таъсир этаётганлиги аниқ рақамларда кўрсатилган бўлиб, жумладан табиий ҳодисалар, бўҳронлар натижасида дунёнинг турли бурчакларида ҳар куни 184 дан зиёд ўлим рўйхатга олинмоқда. Шунингдек, сўнгги йигирма йил ичида табиий офатлар туфайли 1,5 миллион нафар киши қурбон бўлган. Зилзилалардан ҳар йили 130 миллион, тропик циклонлардан 119 миллион, сув тошқинларидан 196 миллион ва қурғоқчиликлардан 220 миллиондан зиёд киши жабр кўради.

**Дилдора ТОИРОВА, "Туркистон-пресс"**

## «МАТИЗ» БИРИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ

***«Матиз» енгил автомобили «Россияда йил автомобили — 2003» йиллик мукофоти лауреати бўлиб, «Шаҳар автомобили» йўналиши бўйича танловда биринчи ўринни эгаллади.***

Танловга дунёнинг турли мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистондан жами 224 та автомобиль тақдим этилди. Ҳакамлар ҳайъатининг таъкидлашича, бизнинг «Матиз» халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради. У кичик ҳажмли бўлишига қарамай, ҳар томонлама қулай, ўзига хос дизайн ва техник афзалликлари билан ажралиб туради, шу боис ҳам биринчи ўринни эгаллади.

Ҳозирги вақтда Россиянинг йирик шаҳарларида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг 15 та савдо ва хизмат кўрсатиш объекти фаолият олиб бормоқда. «Матиз»лар ишлаб чиқарила бошлангандан бери Россияга 9,6 мингдан ортиқ автомобиль экспорт қилинди.





*Касаба уюшмаларида*

# ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

***Юртимиз иқтидорли ўғил-қизларга бой. Зеро, эртанги кунимиз фарзандларимизнинг нечоғлик билимли, маънавиятли, комил инсонлар бўлиб voяга етишларига боғлиқ. Меҳнат аҳли ва уларнинг фарзандларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий томондан кўмаклашиш мақсадини кўзлаб фаолият юритаётган Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши ҳам бу борада имкон қадар ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.***

Куни кеча Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашида бўлиб ўтган тадбир ҳам айнан юқоридаги мақсадлар ижроси йўлида ташкиллаштирилди.

Шаҳримиздаги корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган бир гуруҳ фаол аёллар ва талаба ёшлар таклиф этилган тадбирда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши раиси Мирзоҳид Содиқов сўзга чиқиб, йиғилганларнинг ўқиш ва ишларида омадлар тилади.

Шунингдек, тадбирда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг стипендиясига муносиб деб топилган олий ўқув юрти талабаларидан беш нафарига «Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг стипендианти» гувоҳномаси топширилди. Энди улар олти ой мобайнида ўзлари таҳсил олаётган ўқув муассасаси белгилаган ойлик стипендия миқдоридан эллик фоиз ортиқ миқдордаги стипендияни оладилар.

Ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган беш нафар аълочи талабаларга эса Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Ўйлаймизки Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши томонидан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётган талаба-ёшлар ўқишда, ишда тенгдошларига намуна бўлиб, ўзларига билдирилган юксак ишончга муносиб эканликларини амалда намоён этадилар.

**Шоҳсанам МУҲСИМОВА**

**СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

*Таълим*

## МАЪНАВИЯТ — ҲАЁТНИНГ ЗИЙНАТИ

**Маънавияти буюк халқнинг бугуни ва эртаси ёрқин, келажаги порлоқ бўлади. Зеро, маънавият ақл ва идрокимизда, ўзбекона қадриятларимизда, урф-одатларимизда шарқона шарму ҳаёмизда мужассамдир.**

Маънавиятимизни янада бойитиш ва юксалтириш борасида барча университет ва институтларда ҳар ойда бир марта «Маънавият куни» ўтказиш белгиланган эди. Ушбу кунда талабалар шаҳримиздаги музейлар, театрларга бориш билан бирга ўз ўқув юртларида турли хил учрашувларда қатнашиб маънавий оламларини бойитадилар.

Ушбу кун барча институтлар қатори Тошкент автомобиль йўллари институтида ҳам анъанавий маданий дам олиш кунига айланди.

— Баҳор ойидаги «Маънавият куни» 25 мартда бўлиб ўтади. — Биз бу кунни ўзгача баҳорий руҳда завқ-шавқ билан ўтказишни режалаштираяпмиз. Ҳар ойда бир марта бўлиб ўтадиган мазкур кун талабалар қатори институт ўқитувчиларида ҳам кўтаринки кайфият уйғотади. У гўё бир байрамдай нишонланади ва биз бундан жуда хурсандмиз, — дейди институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Дагар Расулов. — Маънавият кунининг қизиқарли ва сермазмун ўтиши учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Шу куни Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Қуддус Аъзам, Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов, эл севган қизиқчи Ҳожибой Тожибоевнинг ташрифи кечанинг янада жозибадор ва мазмунли ўтишини таъминлайди.

Тадбирда институтнинг 400 нафар талабаси Темурийлар тарихи давлат музейига, Халқ амалий санъати музейига, Маннон Уйғур номидаги санъат институтида бўлиб ўтадиган маданий дам олиш кечасига саёҳат қиладилар.

## ЯНГИ КОНЦЕПЦИЯ МУҲОКАМАСИ

***Куни кеча Тошкент авиация институтида Ўзбекистонда олий техник таълимни модернизациялаш концепциясининг муҳокамаси бўлиб ўтди.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия, Меҳнат вазирликларининг етук мутахассислари иштирок этдилар. Йиғилиш давомида қизиқарли мулоқотлар, фикр алмашишлар ва амалий тадбирлар ҳам бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бошлиғи Константин Ли эса ҳаво авиациясига оид масалалар, ютуқ ва муаммолар ҳақида сўзлади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## ТАШРИФИНГ МУБОРАК, НАВРЎЗ!

**Ойнага қараб қошига ўсма қўяётган қизни бир кур кузатганмисиз? Унинг қарашларида бир олам қувонч, гўзаллик ва жозибанинг ажиб бир ўйноқлиги, муштараклиги мужассам бўлади.**



Агар таъбир жоиз бўлса, фасллар келинчаги баҳор айёми ҳам бокира, навниҳол қизга ўхшайди. Баҳор... Бу йил у бизни эртароқ соғиниб қарши олди. Диллар, кўнгиллар баҳор тароватидан сармаст. Дарҳақиқат, табиатнинг мулки, борлиқнинг уйғониши бошқача. Мана, яқиндагина қиш заҳмидан мудроқ уйқуда ётган она ер, қиру далалар кўкси кўм-кўк алвон либосга бурканди. Бободеҳқон эртанги фаровонлик ғамида ерга умид билан уруғ қадашга киришди. Қизиқ, табиат уйғониши баробарида бир-биримизга бўлган илиқ бир меҳр, самимият, таърифга тил ожиз бедорлик, яшашга бўлган чексиз чанқоқлик ҳисси куртак отиб бораяпти.

Бугун тупроғи зар она-Ватанимиз, унинг азим пойтахти Тошкентда ва шаҳару қишлоқларимизда янги кун айёми — Наврўзи олам барча-барчамизни шодлик ва бахтиёрлик байрами билан муборакбод этмоқда.

Форсийча «Нав» — янги, «рўз» — кун сўзларидан ибтидо топган бу нафосат шодиёнаси, барча туркий халқлар томонидан узоқ асрлардан бери нишонланиб келинади. Тарихнависларимизнинг зикр этишича, Наврўз эрамиздан аввалги X-IX асрларда маълум бир қабилаларнинг турмуш тарзида юзага келган. Вақтлар ўтиши, кишиларнинг онг ва тасаввурлари кенгайиб борган сайин унинг географик имкониятлари янги босқичга кўтарилган. Хусусан, Наврўз махсус байрам сифатида қадимги шумерларда, форсийзабон давлатларда, Марказий Осиёда, Туркияда кенг нишонланган. Наврўзнинг пайдо бўлиши ҳақида кўпдан кўп ривоятлар, афсоналар ва асотирлар мавжуд. Баъзи манбаларда у пешдодийлар сулоласининг машҳур ҳукмдори шоҳ Жамшиднинг тахтга ўтириши билан изоҳланса, яна бошқаларда Сулаймон пайғамбарга нисбат берилади.

Нима бўлган тақдирда ҳам Наврўз азал-азалдан халқларни, элатларни, қавмларни ўзаро бирдамликка, ҳаёт зиддиятлари олдида ҳамжиҳат, яктан бўлишга чақириб келган.

Айтишларича, қадимда катта бир қабиланинг машҳур бир донишманди бўлган экан, шунда фуқаро ундан: «Дунёда энг паҳлавон, энг кучли ким, деб сўраганида, у ҳеч иккиланмай: «буғдойнинг биргина донаси», деган экан. Ерга қанча умид, яхши ниятда уруғ қадалади. Лекин унинг устидаги тупроқ, оғирлик буғдой донасига чўт эмас. У барибир сарзамин кўксини ёриб чиқади. Аслида бу ҳаётнинг бардавомлиги, эртанги нурафшон кунларнинг дуварак даракчиси. Табиат кўз олдимизда ўз жисми-жамолини намоён этиб боргани сайин — фасллар келинчаги баҳорнинг ажиб туҳфаси — Наврўз байрамини чин юракдан қутлагимиз келади. «Ташрифинг муборак, Наврўз», дея баралла куйлагинг, дўсти биродарларинг билан ҳаёт гаштини сургинг келади!

Бизнингча, адабиётимизда ҳали ҳеч ким Ҳамид Олимжон ва Ғафур Ғуломчалик баҳорни, унинг бағридан дурру жавоҳирдек ўрин олган — Наврўзни зўр қувонч, шоди-хуррамлик билан куйлай олмаган. Ҳамид Олимжоннинг:

**Деразамнинг олдида**
**бир туп**
**Ўрик оппоқ бўлиб**
**гуллади...**

— деган сатрлари қанчадан-қанча кўнгилларга баҳор нафасини олиб кирган бўлса, сози ва овозида бир олам донишмандлик сезилиб турадиган Ғафур Ғуломнинг:

**Ўрик гулларини эмар**
**болари,**
**Насрин япроқларда**
**титрайди шабнам.**
**Ипак қурт тахмида**
**ҳаёт асари,**
**Олам нигоҳ, чеҳом**
**бир зебо санам...**

— дея бошланадиган «Баҳор оҳанглари» шеъри ҳам Наврўз айёмини қарши олаётган юртдошларимиз қалбига иликлик олиб киришига ишонамиз.

Ҳа, бугун ободлик ва озодлик нашидасини сураётган маҳаллаларимизда отахону онахонларимиз дастурхон атрофида, набира-чеваралари қуршовида Наврўзнинг муқаддас, тансиқ таоми — сумалакни баҳам кўришаётир. Юртдошларимизнинг аксарияти ҳашарларга чиқишиб, кўчакўйларни озода, фариштали қилиш билан банд. Бир сўз билан халқимизнинг бугунги тилагини шоирнинг «Далаларда бошланади иш, Бошланади ижод ва турмуш», деган сатрлари билан муқояса қилсак, нақадар гўзал бўлурди!

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

*Тадбирлар*

## ОИЛА — МУҚАДДАС ВАТАН

***Оила — жамият гултожи. Келажак тараққиёти омилидир. Оиланинг том маънода миллатнинг эртасига айланиши эса уни ташкил этувчи аъзоларнинг, хусусан ёшларнинг оилага муносабати, уларнинг оила олдидаги ўз масъулиятини ҳис этиб, бурч ва мажбуриятларини қанчалик чуқур англашларига боғлиқ.***





Ёшларни турмушга ҳар томонлама тайёрлаш, уларнинг оила тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтириб, ибратли оила соҳиби бўлишларида, бир-бирларига меҳр-оқибатли муносабатларни юксалтиришда амалий кўмак бериш мақсадида «Оила — муқаддас Ватан» ёш оила қурувчилар мактаби ўзининг 2004 йилдаги илк машғулотини «Оила — жамиятнинг асосий бўғини» мавзуи билан бошлади.

Анжуманда шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Гулнора Иномжонова — «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир», Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилором Маҳамадалиева — «Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтиш муаммолари», ОИТС маркази директори Собир Усмонов — «Гиёвандлик ва ичкиликбозлик — оила заволи» мавзуларида сўзга чиқдилар, шунингдек Перинетал маркази етакчи мутахассисларининг ёшлар учун ҳар томонлама фойдали бўлган маърузалари, фикр-мулоҳазалари тингланди.

— Бугунги тадбиримиздан мақсад балоғат остонасида турган ёшларимизга оиланинг ижтимоий борлиқдаги мавқеи, унинг мураккаб қирралари, миллий ўзига хослиги, оила қуришгача ва оила қурғандан кейинги ахлоқий муносабатларни миллий менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда ўзаро диллашув тарзида етказишдир, — дейди биз билан суҳбатда Никоҳ ва оила маросимлари маркази директори Марҳамат Йўлдошева. — Аждодларимизнинг бу борада асрлар мобайнида шаклланиб келган ва бугунги кунда ҳам халқимиз учун қадрли бўлган катта тажриба ва анъаналаридан ёшларимизни хабардор қилишдир. Ўтган Обод маҳалла йилининг ҳар бир ойида ўтказилган машғулотларимиз ўзининг илк ижобий самараларини берди деб ўйлайман. Тингловчиларимиз сафининг тобора ортиб бораётгани ана шундан далолат бермоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Адлия бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, Никоҳ ва оила маросимлари маркази, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг «маънавият ва маърифат» бўлими, «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуи ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир барча йиғилганларда катта таассурот қолдирди ва ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

Шунингдек, ушбу тадбир иштирокчилари гиёвандлик ва ичкиликбозлик сингари умр заволи бўлган иллатларнинг инсон саломатлигига, руҳиятига, қолаверса оилага таъсири, улардан халос бўлиш йўллари ҳақида ҳам керакли маълумотларга эга бўлдилар.

Ўйлаймизки ҳар томонлама фойдали бўлган бундай учрашувлар эртамиз давомчилари бўлган ёшларимиз учун тез-тез ўтказилиб турилса айни муддао бўлади.

**Шоира МУҲАМЕДОВА.**
**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар**

# ЁШЛАРНИНГ ҚАДРДОН УСТОЗИ

***Ўзбек болалар адабиётининг таниқли намояндаси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон санъат арбоби, қўшиқнавис шоир ва драматург Пўлат Мўмин 82 ёшида вафот этди.***



Бу машъум хабар қалбларимизни ўртаб юборди. Наҳотки куни кеча орамизда юрган инсон бугун йўқ бўлса. Наҳотки газетамизнинг фаол қатнашчиси, тиним билмас ижодкор, ўзининг камтарона маҳсули билан болалар дунёқарашини бойитиб, ширин, сермазмун қўшиқлари ила ихлосмандларга олам-олам завқ-шавқ бағишлаб келаётган қалам соҳиби бу ёруғ оламни бир умрга тарк этган бўлса? Ҳеч ишонгинг келмайди. Бу қандай кўргулик? Шундай деймизу барибир тақдирга тан берамиз. Пешонага ёзилгани шу экан деймиз. Чунки зуваламиз лойдан ясалган. Мусибатни берган Оллоҳ бизга сабр-тоқатни ҳам ўзи ато этган.

Пўлат ака таҳририятимиз аъзолари билан қадрдон эди. У нимаики ёзса, айниқса болаларга аталган шеърларини биринчи навбатда бизга олиб келарди. Устознинг ташаббуси билан газетамизда «Болалар адабиёти бурчаги» рукни ташкил этилганди. Шу рукн остида неча-неча аллома шоирлар ва ёзувчиларни хотирлаб, уларнинг болаларга бағишланган ижодларидан намуналар келтирган эдик. Бу топилмаларнинг муаллифи ҳам Пўлат Мўмин эди.

Тақдири азалнинг яна бир мўъжизасига тан бермай иложимиз йўқ. У кўп жиҳатдан инсоннинг жисмини исмига мос қилиб яратарканда. Шунча ёшга кириб Пўлат ака бирор марта соғлиғидан шикоят қилмаганди. Гарчи унда кексалик аломатлари сезилиб турса-да ўзини ҳамиша бақувват, бардам ҳис этарди. Пўлатдек мустаҳкам тутарди. Қарангки Пўлат аканинг фамилияси ҳам ўзига хос. У ўта мўминқобил инсон эди. Шунча кўришиб-учрашиб, турли матбуот органлари, радио ва телевидениеда чиқишларини кузатиб, унинг манманлик кайфиятига берилиб, овозини баланд қўйганини, ёки ҳаёт-турмуш ташвишларидан норозилик ҳиссини бирор марта кўрмаганмиз. У ҳамиша мўмин эди ва шу хислатга ҳар дам содиқ қолди.

Пўлат ака таҳририятлар билан телефон орқали камдан-кам боғланарди. У бирон илтимоси ёки бирор иш юзасидан маслаҳатлашмоқчи бўлса албатта таҳририятга ўзи кириб келарди. Шунда биз ҳазиллашиб: «Шунга овора бўлиб келиб юрибсизми, куни кеча чиққан баъзи шоиризабонлар бизга қўнғироқ қилиб шеъримни қачон берасанлар, деб дағдаға қилиб турганда сиздек таниқли инсон, халқ ёзувчиси телефон орқали мақсадингизни баён этиб қўя қолсангиз бўлмасмиди?» десак: «Улар ўта муҳим ижодий ишлар билан банд, бизнинг эса вақтимиз бемалол-да», дерди у кулиб. Кейин қўйин дафтарини варақлаб муомала одоби ва камтарлик ҳақидаги янги қораламаларидан ўқиб берарди.

Биз Пўлат ака билан тез-тез кўришиб турардик. Охирги учрашувимиз ёдимда. У киши хонага хурсанд кириб келдиларда қўлларидаги китобчани стол устига қўйдилар.

— Янги китобим чиқди. Буниси мендан сизга эсдалик укажон, — дедилар жилмайиб. Муқовасига лотин алифбосида чиройли ҳарфлар билан «Қушлар, қушлар кўнгил хушлар» деб ёзилган китобчанинг биринчи саҳифасини варақлашим билан кўзим қуйидаги дастхатга тушди. Унда: «Оғайним Рихсибойнинг жигаргўшаси Маҳмуджонга эсдалик. Эҳтиром билан Пўлат Мўмин» деган сўзлар битилганди. Китоб баҳона дийдорни ғанимат билиб узоқ гаплашдик. Охирида бир папкани қўлимга тутдилар.

— Мана булар менинг сўнгги йилларда битилган қораламаларим. Ўқиб кўринглар, маъқул бўлса уни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этарсизлар, — дедилар одатий хушмуомалалик билан.

Бугун таҳририят қўшиқчилик санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшган, моҳир таржимон ва драматург Пўлат Мўминнинг ўша истак ва илтимосини адо этишга киришди. Гарчи бу шеърий туркумни ўқиш меҳрибон устоз ва камтарин инсон Пўлат аканинг ўзига насиб этмаган бўлсада, унинг руҳини шод этиб ва бир умр дилларимизга жо бўлиб қоладиган хотирасига бахшида этдик.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

*Хотира уйғонса гўзалдир*

# Донолик ҳикматдан, Ошнолик ҳимматдан

**(Байтлар)**

### ЯХШИЛИК ВА ОДОБ ТЎҒРИСИДА

Ўз халқин ким ўйлар?
Хақгўйлар, ҳақгўйлар

Ғамгинни юпатган,
Ул—тоза юракдан.

Қўшнингдан олма ўч,
Яхшиси — ўзинг кўч.

Қанча кўп яхшилар,
Шунча кўп қаршилар.

Кечиб кайф-айишдин,
Ночорга қайишгин.

Асрангин қарғишдан,
Ҳаром-у харишдан.

Дейилган илгари:
Бахилдан юр нари.

Нима тенг инсофга?
У тенгдир офтобга.

Оқшом-у эрталаб
Юрмагил ўпкалаб.

Ўтгандан сўнг хато,
Қайтмайдир мутлақо.

Ножўя сўзлаган,
Кўрмасин ўзгадан.

Нечун сут оқ эрур?
Онадай пок эрур.

Ўзингни назорат —
Қилишинг — зўр одат.

Дил ўти ўчмайдир,
У камёб учрайдир.

Ишора ва имо
Пурмаъно доимо.

Юртимга керагим —
Бўлгани—тилагим.

Бўлганда юзма-юз,
Бўлмагин «икки юз». . .

Кимики пок ният,
Олгандир тарбият.

Қалбингга қулоқ сол,
Яшайсан бемалол.

Бўлмагин безовта,
Юргандай шер овда.

Поклик ҳам наслдан,
Бир хил тўрт фаслда.

Аслида жим кетиш,
Эмасдир бўйин эгиш.

Бўлмоқлик саришта,
Зарурдир ҳар ишда.

Учраса корчалон,
Бўлмағил ул томон.

Безарар кўринган,
Бўладир уринган.

Тилагим — бошларга
Тегмасин тошларга.

Огоҳ бўл туҳматдан,
Келмасин тўсатдан.

Ушалса орзулар,
Кўнгилда гул кулар.

Нодонни сийлама,
Ёнига бийлама.

Узоқни кўзлагин,
Яқиндан сўзлагин.

Ҳеч қачон чекинма,
Мард бўлсанг бекинма.

Сотмагин соғлиқни
Ҳам вақти чоғлиқни.

Донолик сўздадир,
Сахийлик кўздадир.

Ўзингга бергил зеб,
Агарда кўрсанг эп.

Чин сўзнинг кучи кўп,
Ёлғоннинг пучи кўп.

Қаранг-а дил қурғур,
Уммондан ҳам чуқур.

Ўзингни ол босиб,
Шаънингга муносиб.

Миллатга бир миллат
Қилмаса ҳеч миннат.

Тиланчи аҳлининг
Чиқорма жаҳлини.

Сўзласанг гар чертиб,
Сўзлама ҳеч жеркиб.

Ишониб тадбирга,
Ўт қала тандирга.

Донолик ҳикматдан
Ошнолик ҳимматдан

Кимки кўнгли кенг,
Ҳотамга келар тенг.

Кимлигинг ифода—
Эгадир ирода.

Ёзилса дастурхон,
Шоҳ эрур унда нон.

Талабим инсондан,
Кечмасин иймондан.

Ким ўта камтарин,
Эзилгай баттарин.

Бўлганда гап пухта,
Тезликда қўй нуқта.

Тортганлар устозга
Лойиқдир эъзозга.

Кимдир ул ҳур юрган?
Фарзанддан буюрган.

Оламда энг танти
Ҳозирча афанди.

Кўнгилни кўтариш,
Яхшилар кутар иш.

Инсонда иштиёқ,
Сўнмаган нур-маёқ.

Ўз элинг эъзози
Эъзозлар энг сози.

Кўрдим кўп холисни,
Кўзлагай олисни.

Қай одам иймонли,
Бўладир имконли.

Атрофда сокинлик
Бўлса соз ҳокимлик.

Сўзлари пухтадан
Чиқадир нуқтадон.

Эсда тут, шер, йўлбарс
Эмасдир ҳеч галварс.

Ким олам кезадир
Ўзлигин сезадир.

Қилганлар далолат,
Емасин асло лат.

Хаққига кўчганлар,
Гулдаста қучганлар.

Туганмас хазина
Китобдир биргина.

### ДЎСТЛИК ВА АҲИЛЛИК ТЎҒРИСИДА

Дўст бўлса аралаш,
Керакдир саралаш.

Нодоннинг сўзиндан
Айнама дўстингдан.

Ёлғондан умидвор
Қилмоқлик— этмак хор. . .

Дил ўтин совутиш
Эркалаш-овутиш.

Оғирдир айниқса,
Яқин дўст айниса.

Дўстлигинг бўлса мўрт,
Узилиб кетар чўрт.

Кимнингдир бағри кенг
Ўшанга бўлгин тенг.

Дўстим бор биргина,
Яшаймиз бегина.

Шириндир ўтган дам,
Соғинмас қай одам?

Дўстингни сийлагин,
Ғанимни синагин.

Ишонган одаминг,
Қирқмаса қадаминг.

Дўст, айбинг яширгай
Ғаним-чи, оширгай.

Баъзи бир яқининг,
Тешадир биқининг.

Пайингга тушганлар,
Энг ямон душманлар.

Нуқсонинг қилган пеш,
Эмасдир дўст-у эш.

Ким қилса қаршилик
Қилиб кўр яхшилик.

Ким майин-мулойим
Дўсти кўп ҳар доим.

Сўз бўлса илмоқлик
Чиқадир чатоқлик.

Сирингни қилган фош,
Эмасдир ястиқдош.

Бўлмасин калака
На ука, на ака.

Арзингни ўзинг айт,
Қачонким келса пайт.

Дўстидан тонган бор,
Шунингдек ёнган бор.

Ярашган лавозим,
Оширгай ихлосим.

Устоздан ўзганлар
Покиза ўсганлар.

Топмасанг қадрдон,
Сен учун бу нуқсон.

Билиб қўй рақиблар,
Яширин таъқиблар.

Қайтганлар сўзидан,
Аёндир кўзидан.

Яхшига йўлиқиш,
Ҳамиша тўлиқ иш.

Юрган кўп ялтираб,
Ичиндан қалтираб.

Устозинг йўлин тут,
Ўрганиб қўлин тут.

Кўзлари бўзрайган,
Дўст эмас, ўзгадан. . .

Гинангни айт шартта,
Бўлмасдан ул катта.

Дўстлар кўп — умумий,
Озлари самимий.

Кимдир кўз қирингдан
Аёндир сирингдан.

### ДОНОЛИК ВА ҲАЛОЛЛИК ТЎҒРИСИДА

Донолар эмиш оз,
Демишлар: —ози соз.

Қайтмагин шахтингдан,
Айниқса шартингдан.

Сўзингга мукаммал
Ҳамиша қил амал.

Нафсинг-чи бир кема,
Чўкасан, кўп ема.

Кексалик келган пайт,
Яхши айт, яхши қайт.

Хатолик тобора—
Ошмасдан топ чора.

Ён босган ноҳаққа
Зиёндир эл-халққа.

Беллашгин мард билан,
Енгмоқлик шарт билан.

Юракда бўлса ўт,
Бўлмагай юз шувут.

Ўзинг бил қадрингни,
Тетик тут қаддингни.

Кўпинча доно бош,
Кўринар энг ёввош.

Қайси қалб эзилар,
Кўзлардан сезилар.

Бўлмоқлик покиза
У ҳам бир мўъжиза.

Ёмонлик қилган қўл
Фарқи йўқ ўнг-у сўл.

Хуш ёр бўл нечоғлик,
Бил, умр ўлчоғлик.

Юртимда кўпчилик—
Кўрмасин йўқчилик.

Тошмасдан кўпикдай,
Хизмат қил кўприкдай.

Топганлар сабрдан,
Қутилсин жабрдан.

Ўтирган амалга,
Оғмасин сағалга.

Яхшидан бекинма,
Доғ тушар бетингга.

Тўкис-у тугаллик,
Бу ҳам бир гўзаллик.

Бил, аҳли интизом
Олгайлар яхши ном.
Оқил иш битирар,
Нодон-чи, бидирлар.

Бесуяк эрур тил,
Айланур хилма-хил.

Ҳамиша бу ҳаёт,
Бўлгин дер эхтиёт.

К[illegible]аги асабдур,
Доимо асраб юр.

Қилганинг карамлар,
Сезсин-да одамлар.

Тушганлар қастингга,
Турсинлар наздингда.

Дил ўхшар ниҳолга,
Зарб ейди хиёлга.

Учраса агар сур,
Йўлингни четга бур.

Билимда қилган баҳс,
У чиндан доно шахс.

Кимда бор иқтидор,
Бўладир беғубор.

Устознинг терғаши,
Дейдилар, энг яхши.

[illegible]амтарни ҳаркачон
Эзмоқлик оп-осон.

Сақлагин ўзлигинг,
Ва одил сўзлигинг.

Кўп бирлан кенгашгин,
Мардларга тенглашгин.

Энг яхши одоб-хулқ,
Туганмас бойлик-мулк.

Гуноҳин ўзинг юв,
Керакмас унга сув.

Билимли этмай чирк,
Ёрадир қилни қирқ.

Куч кетса гар белдан,
Кетмасин ул дилдан.

Билгил, элдан бурун
Кўтарма ҳеч бурун.

Есанг миннатли ош,
Сингмайдир мисли тош.

Ҳар кимда ҳам субут
Доимо бўлмас бут.

Юракка кетса дарз,
Тузатмас уни арз.

Кўпайса гар бошлиқ,
Бошлангай бебошлик.

Қийнама жонингни,
Ким олар ёнингни.

Атрофда кўпдир ёт,
Бўлиб юр эҳтиёт.

Шогирдлар устоздан,
Ўтса соз оз-оздан.

Бир табиб тузатар,
Бир хили «кузатар». . .

Кулги-ю табассум,
Мисоли гул мавсум.

Мушкулга чидаган,
Ҳақ йўлдан чиқмаган.

Отилса таъна тош,
Ёрилгай азиз бош. . .

Ҳаётда қолдир из,
Валокин чўкма тиз.

Донодан наф тегар,
Нодондан гап тегар.

Ҳаттоки мусича

Донодир ўзича. . .

Энг яхши одам ким?
Кўпинча юрган жим.

Кўринмай ёмонга,
Кет бошқа томонга.

Тошларга отма тош,
Қайтса-чи ёрар бош.

Келишда хавф-хатар,
Бермайдир ҳеч хабар.

Юравер осуда
Энг ширин орзуда.

Чимирмай қошингни
Ичавер ошингни.

Осмонга устун йўқ,
Аламда тутун йўқ.

Мос келса дилга дил,
Уларни улагил.

Жанжалда оғирлик
Бу ҳам бир моҳирлик.

Ўзинча йиғлаган,
Дунёга сиғмаган.

Қараб юр замонга,
Ва тўртта томонга.

Қарзидан ўтганлар,
Одил йўл тутганлар.

Сўзларнинг ортиғи
Бош ва дил оғриғи.

Ўзинг бил баҳойинг,
Пайқагин хатойинг.

Бил, олижаноблик
Замири савоблик.

Нафсингни бир ургин,
Соғлиққа юз бургин.

Вақтида тавобинг
Доимий савобинг.

Ким бўлса жиззаки,
Йўқолгай иззати.

Яхшилик қайтариш
Минг раҳмат айтар иш.

Гар бўлса кўнгил тўқ,
Бурилиб кетар ўқ.

Қилганинг илтифот
У ҳам бир мукофот.

Ҳар битта гуноҳкор-
Демайди: — Айбим бор.

Эшитиб уққанлар,
Яхшилик юққанлар.

Озига кўниккан-
Дунёда кўпми-кан?

Улашдим деб эҳсон,
Мақтанма ҳеч қачон.

Истама устунлик,
Истагин бутунлик.

Кўз юмгин тутундан,
Кўз юмма юпундан.

Йўл топсанг энг қулай,
Юравер қуламай,

Фарзандга ачинган
Оталар кўп чиндан.

Барчага ёқмоқ тенг,
Жудаям мушкул, денг.

Ўз ишинг пухталаб,
Бошқадан қил талаб.

Қалбдаги аланга
Ўчмайди, қаранг-а. . .

Келганлар ёнингга,
Тегмасин жонингга.

Кимда-чи бўлса ор,
Саналгай улуғвор.

Юракда бўлса қўр,
Ўтдан-да ўта зўр.

Ким бўлса азамат,
Қилмаслар мазамат.

Полвонлар машқ қилар,
Енгар-да, гашт қилар.

Одам йўқ, аввало,
Мутлақо бехато.

Билай деб сўраган,
Билимда зўр экан.

Сабр ила қаноат,
Керакдир ҳар соат.

Нари юр суқлардан,
Айниқса, тўқлардан. . .

Ким содда-тўпори,
Баҳоси юқори.

Хафани юпатиш,
Жудаям юксак иш.

Кимда бор қатъият,
Кўргандир тарбият.

Ким мулоҳазали,
Ибратдир азалий.

Яхшига меҳр қўй,
Меҳрдан муҳр қўй.

Еганлар сархиллаб,
Юргайлар ялтиллаб.

Инсофни йўқотиш,
Ўзига ўқ отиш.

Тузатган хатосин,
Сурсин кайф-сафосин.

Ночорга кўмагинг
Жудаям керагинг.

Ўзинг бер совғангни,
Шарти шу, оғайни.

Устозга ихлосинг,
Ишингда асосинг.

Ҳаётнинг саҳнасин
Кўп эрур раҳнаси.

Фақирлар панада-
Юрмасин янада.

Унутгин еганинг,
Унутма деганинг.

Топганинг имтиёз,
Ишлатгин қиш-у ёз.

### МЕҲНАТ ВА ҲУНАР ТЎҒРИСИДА

Енгини шимарган,
Доим бол шимар-кан.

Вақтдан бахт топган кўп,
Қуруққа чопган кўп.

Билим чўнг хазина
Тушилган безина.

Ҳаётда тўкинлик
Бўлмасин тўрт кунлик.

Ножўя қилсанг сарф,
Мулкингга тегар зарб.

Обрўй-чи беидиш,
Осондир тўкилиш.

Қуён зўр иш қилди,
Кўпдан-да қутилди.

Баъзилар ҳурмати
Дилда кўп турмади.

Ким бекор ўлтирар,
Кўзлари мўлтирар.

Зулмга итоат
Асли ит одат. .

Кўнгилнинг тўлгани-
Ишингнинг ўнгани.

Йўқотган ҳассасин,
Есин ўз жаззасин.

Ўйла иш охирин,
Ботинин, зоҳирин.

Ким олса агар қасд,
Кетгани жуда паст.

Инсоннинг умри гул,
Очилиб турсин ул.

Интилган маррага,
Оғмасин заррага.

Ўз-ўзин ўнглаган,
Ғайрати сўнмаган.

Энг оғир пайтлар,
Кўпаяр лоқадлар.

Қаддингни тутгил ғоз,
Кўчингга келса мос.

Ўз кўнглинг ўзинг ёз,
Ҳаттоки қиш-у ёз.

Қолса-чи иш чала,
Сенда йўҳ хафсала.

Етганча куч-қурбинг
Кетказма ўз бурдинг.

Юраги жўшганлар
Кучга куч қўшганлар.

Ошпазлар қозондан-
Обрўйлар қозонган.

Ҳам чаққон, ҳам ишчан,
Бўлса соз — талабчанг.

Умр ҳам бир ўтин,
Ёнадир бе тутун.

Ишлагай ҳар асбоб,
Усталар урар лоф.

Аслида гул-у пул
Бир куни бўлар кул. . .

Қилганлар нолишлар,
Орқада қолмишлар.

Қайси жой беофтоб,
Кўп нарса ташлар тоб.

Бўйнини эгишлик
Қўрқоққа тегишли.

Ижрога келса мос,
Қилавер илтимос.

Бўлсанг-да улкан фил,
Бўлмағил ҳеч ғофил.

Интилган одамлар
Етилган одамлар.

Экканинг кўкарса,
Чин дўстинг кўпайса.

Меҳрнинг нури бор,
Юракда қўри бор.

Тушкунлик у ҳам дард,
Енгадир уни мард.

Баъзи бир гавдалар,
Мевасиз навдалар.

Пешонанг бўлса шўр,
Унда-чи ўзинг ғўр.

Сут бирлан кирган бахт
Сен бирлан ҳамма вақт.

Келаман деса бахт,
Кетмайди асло вақт.

Чиққанлар юксакка,
Қолмасин ҳеч якка.

Нимаки — омухта
Бўлмайдир ул пухта.

Бойликнинг кайфи бор,
Тагида ҳовфи бор.

Кўп нарса мукаммал
Бўлмаган ҳеч маҳал.

Ким ошиб тортадир,
Феълига тортадир.

Сўзим кўп йигитга,
Чиқмаса чиқитга.

Бўш қайтган овидан,
Ишидан совиган.

Ҳақ йўлдан адашиб
Юрган кўп бош қашиб.

Ким бўлса сўзамол,
Толъеда ярим мол.

Ғайрату хафсала
Биринчи масала.

Очилган ҳар оғиз
Бўлмасин жар оғиз.

Ҳар ишни шарт-дангал
Зудликда қилгин ҳал.

Келганда мос-монанд,
Дилларни қил пайванд.

Одамга бир одам
Бўлмасин ҳеч қарам.

Дарёнинг мавжи бор,
Ҳар ишнинг авжи бор.

Дангаса донг қотар,
Усиз ҳам тонг отар.

Кўнмаган озига
Бўш қайтар изига.

Ўроқчи чалғиси
Меҳнатнинг чалғуси.

Эришсанг бахтингга
Куч қўшар шахтингга.

Билим ва ҳунарни
Эгиз денг уларни.

Олишга даромад,
Қилишар хушомат.

Учраса пасқадам,
У жуда паст одам,

Меҳнатда болари
Кўплардан илгари.

Қўл қўлни ювадир,
Мушкулни қувадир.

Йўқотган ҳунарин,
Тополмас унарин.

Иш қилган мажбуран,
Ёпишмас мазмунан

Ҳақ сўзга кўнмаган,
Таёқдир йўнмаган.

Мисоли бўлиб ўт,
Араванг ўзинг торт.

Учрашиб қил ва фил,
«Мен зўрман» дебти қил.

Ҳар ишда бўл дадил,
Фикрингга топ далил.

Ўзини махтаган,
Ўсишдан тўхтаган.

Билган иш кўзини
Кўрсатар ўзини.

Ўрганма текинга,
Мушт тушар биқинга.

Билиб қўй ўт ва сув,
Иккови зўр ва қув.

Ишига қизиққан
Чиқмасин изидан.

Кўп юрсанг пиёда,
Соғлиғинг зиёда.

Тобланган-чиниққан,
Касалдан зўр чиққан.

Қалбдаги ўшал доғ,
Қоладир ўшандоғ.

Қоғозга ёзурман,
Сўз конин қазурман.

Шарқ дурдоналари

**Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...**

● Ҳакимларнинг айтишича, шижоат, саховат ва хушфеъллик энг аъло фазилатлар бўлиб, бу сифатларга эга бўлган кишилар доимо улуғлик сармоясидан баҳрамандлик топганлар. Мазкур сифатлар ичида хушхулқлик алоҳида диққатга сазовордир. Негаки, шижоат аҳён-аҳёнда ишга тушади. Саховат олий фазилат бўлса-да, у барчага муяссар бўлавермайди, унинг удласидан чиқиш учун кишига ҳар хил шарт-шароитлар керак. Аммо хушхулқлик шундай нарсаки, унга барча одам эта олади. Ёқимли хулқ эгаси бошқаларни хурсанд қилишдан ташқари ўзи ҳам доимо хурсанд юради, бошқалардан эса ўзига муҳаббати ва мулойимлик қайтади.

Қитъа:

**Абадий саодатнинг калити**
**хушфеълликдир,**
**Аммо унга баъзилар**
**муяссар эрмас!**

● ҲИКОЯТ. Нуъмон ибн Мунзир араб халифаларидан эди. Бир куни чарчаб, ариқ лабига келиб ўтирди. Шу пайт унинг лақмағўй ходимларидан бири:

— Агар бир кишини шу ариқ лабига келтириб сўйилса қони қайси томонга қараб оқаркин? — деб қолди.

Нуъмон:

— Буни сенда синаб кўриш керак! — деди-да, уни шу ариқ лабида сўйишга буюрди.

Ўз мақомида ва жойида айтилмаган сўз одамнинг ўзига душман бўлади.

**Бошида ақли кам бўлса**
**кишининг,**
**Тилида сўзи кўп бўлади,**
**дилдор!**

● Бир кишининг уйига бир неча меҳмон келган эди. Мезбон уларни яхшилаб меҳмон қилди. Овқат еб, чой ичиб бўлдилар. Улар яна узоқ ўтиришди ва туришни ҳали хаёлларига ҳам келтиришмасди. Уй эгасининг меҳмонларга рухсат бергиси келар, аммо бекорчи меҳмонлар ҳеч қўзғалишмасди. Мезбон: «Энди сизларга рухсат» дейишга ҳеч ботинолмасди. Улар тушунармикан деб, либосини ечиб, оёқларини узатиб ўтирди. Меҳмонлар шунда ҳам кетиш ҳақида оғиз очишмади. Шунда у уй эшигини очди, ичкари ҳовлига қараб, ўз хотини билан гаплашаётган киши бўлиб:

«Ҳозир, ҳозир туришяпти!» деди.

● Бир ёш бола катталар билан меҳмонда бир товоқдан овқат ер эди. Овқат иссиқ бўлиб, боланинг қўли куйиб ея олмади. Сўнг йиғлашга тушди:

— Нега йиғлаяпсан? — сўрашди ундан.

— Овқат иссиқ экан еьолмаяпман, — деди бола.

— Бўлмаса бир оз сабр қил, совийди! — дейишди унга.

— Сабр қилишга-ку, қиламан-а, аммо сизлар тўхтаб турмайсизларда! — деди бола.

*Таҳририят топшириғи билан Халқ таълими вазирлигига қарашли Чилонзор туманидаги 4-санаторий интернатга йўл олдим.*

# ЧИЛОНЗОРДА ШУНДАЙ МАСКАН БОР

Манзилга тўғри бораётганимни аниқлаш мақсадида ўзимдан сал илгарида кетаётган аёлга етиб олиб, мазкур санаторий-интернатнинг қаерда жойлашганини сўрадим.

— Манзилимиз бир экан, — деди аёл. — Мактабда баҳор байрамига бағишлаб байрам тантанаси ўтказилаётган экан. Қизимнинг ўқитувчиси таклиф қилган. Сиз ҳам бирорта ўқувчининг орқасидан келяпсизми, синглим? — дея менга савол назари билан боқди аёл.

— Хизмат юзасидан келяпман, журналистман, — дедим. Шунда аёлнинг юзлари ёришиб гапира кетди. — Ҳар бир она фарзанди, айниқса, қизининг оқила бўлиши билан бир қаторда хушбичим, қадди-қомати келишган, кўҳликкина бўлишини хоҳлайди. Қиз бола тез улғаяркан. Боламнинг бўйи чўзилиб бораётган бир пайтда ҳуснига соя солиб турган ўзгаришларни сездим. Сездиму юрагим орқага тортиб кетди. Қиз бола-да ахир! Бунинг устига ўзингиз биласиз, дарднинг келиши осону, кетиши қийин... Бу ёғи бозор иқтисодиёти... Жиндаккина ортиқча чиқим ҳам ортиқчалик қилади. Унинг ўрнини нима билан тўлдираман энди, - деган фикр бошингизни қотиради. Бир марталик уқалашнинг ўзи "фалон" пул бўлса, — аёл иккимиз йўлнинг танобини тортиб борарканмиз, у бироз тин олиб, гапида давом этди.

— Шифокорнинг тавсиясига кўра, ҳам даволаб, ҳам таълим берадиган мактаб борлиги бизни жуда қувонтирди. Ҳукуматимизнинг мурувватига шукр. Устига-устак вақтида олиб келганимиз учун шифокорлар ҳам, ўқитувчилар ҳам худди уларнинг боласини ёмонликдан асраб қолганимиздек биздан миннатдор. Оғир кунларимизда дардимизга шерик бўлиб, мададкор бўлганликларига раҳмат. Ҳали кўрасиз, қизим бугун байрам саҳнасида рақсга тушади. Шифокорлар саъй-ҳаракатлари, қилган муолажаларининг самараси бу.

Аёлнинг дарди-ю қувончларини тинглаб боракканман, кўнглимдан халқимизнинг диний қадриятлари билан мустаҳкамланган урф-одатлари ва анъаналари замирида мурувват кўрсатишнинг турли шакллари мужассамлиги ҳақида ўйладим. Мутахассисларнинг таъкидлашича, сколиоз поғонасининг ён томонга қийшайиб ўсиши оқибатида юзага келаркан. Бунинг келиб чиқиши эса болаларни нотўғри ётишига, юришига йўл қўйиш, партада нотўғри ўтириши ва жисмоний машқлар билан нотўғри шуғулланиши, шунингдек ёшига нисбатан оғир юкларни кўтариши оқибатида пайдо бўлар экан. У беморнинг нафас олиш йўлларида патологик ўзгаришларни келтириб чиқаради. Энг асосийси, қомат бузилади. Касалликни эса бошланишиданоқ тўхтатиб қолиш лозим. Бунинг олдини олиш борасида ҳозирда санаторий-интернатда 40 нафар тиббиёт ходими ўқитувчилар билан ҳамкорликда фаолият юритишмоқда. 426 нафар ўқувчиларга ўзбек ва рус тилларида дарс берилмоқда.

— Бу ерга асосан касалликнинг бошланиш босқичидаги бемор болалар олиб келинади, - деди интернат бош шифокори Матлуба Ёқубова. — Касалликни илдизи билан йўқотиш қийин. Уни ўсишдан тўхтатиш мумкин холос. Ота-оналар фарзандларида касаллик аломатларини сезишлари биланоқ, бу ерга олиб келишса кўпроқ натижага эришган бўлар эдик. Мактабга қабул қилинган ўқувчиларнинг 80 фоизида сколиоз бир йилда бутунлай ўсишдан тўхтатилиб, уйларига жавоб берилади. Тўқсонинчи йилларнинг бошларида умуртқа поғонасида нуқсони бор болаларни мактаблардан, болалар боғчаларидан излаб топиб келардик. Негадир ўзбек оилаларининг аксарияти бу касалликка бепарволик билан қарашарди. Бугун аҳоли "Касалликни яширсанг иситмаси ошкор қилади", — деган нақлни англаб етди чоғи, ўзлари фарзандларини интернатимизга етаклаб келишмоқда. Аҳолининг тиббий маданияти, тиббий онгининг ўсиши натижасида болалардаги касалликларни ўз вақтида аниқлаб, даволашга сабаб бўлмоқда.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

*Санъат*

## ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

***Куни кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Устоз ва шогирд» деб номланган катта концерт бўлиб ўтди. Концерт Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Офелия Юнусова ва унинг талабалари ижросида ўтказилди.***

Кечани Ўзбекистон Давлат консерваториясининг илмий ишлар, халқаро алоқалар бўйича проректори Дилора Муродова очар экан, мазкур концертни Офелия Юнусова ижодининг 40 йиллигига бағишлаб ўтказилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, Офелия Юнусова ўз фаолияти давомида 50 нафардан ортиқ шогирдлар тайёрлади. Шулар жумласига республика танловлари совриндорлари Ильмира Абдуллаева, Дилдора Бекиева, халқаро танловлар совриндорлари Сайёра Ғофурова, Гўзал Тагиева, доцент Марат Гумаровлар киради.

Кечада Офелия Юнусованинг шогирдлари фортепианода турли хил куйларни ижро этдилар. Шунингдек, Туркистон камер оркестри бош дирижёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Элдор Азимов раҳбарлигидаги гуруҳ ҳам ўзларининг куй, қўшиқларини мазкур кечага бағишладилар.

**Гулнигор САТТОРОВА**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

***Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади.***

***2004 йил 31 март куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади:***

1. "Москвич-412" автомобили, 1971 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Т 31-48 ТН, бошланғич нархи 50 000сўм, техник носоз;

2. "БМВ-524 ТД" автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Н 05-96, бошланғич нархи 4 000 000 сўм,

3. "Мерседес Бенц-500 SL" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 О 29-01, бошланғич нархи 8 000 000 сўм;

4. "Фольксваген-Пассат" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 750 000 сўм, техник носоз;

5. "Ссанг Енг муссо" автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 26-81, бошланғич нархи 12 000 000 сўм, техник носоз;

6. "Ваз-2107" автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 450 000 сўм, техник носоз;

7. "Тико" автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Х 35-98, бошланғич нархи 1 200 000 сўм, техник носоз;

8. "Мерседес-Бенц-Д 350" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Z 80-77, бошланғич нархи 17 000 000 сўм, техник соз.

***2004 йил 14 апрель куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади:***

1. "Зил-ММЗ-4502" юк автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АВ 866, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;

2. "Маз-5551" юк автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АА 047, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;

Кимошди савдолари соат 11-00да бошланади, савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ким ошди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади

Кимошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.**

**Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38**

**«Тошшаҳарюктранс» уюшмасига қарашли 127-очиқ турдаги ҳиссадорлик автокорхона балансининг 2004 йил 1 январдаги ҳолати**

| АКТИВ: | ПАССИВ: |
| --- | --- |
| 1. Узоқ муддатли активлар, минг сўм | 1. Ўзлик маблағларнинг манбалари |
| Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати: 55363,7 | Устав капитал: 50000,0 Қўйилган капитал: 6504,7 |
| Капитал қўйилмалар: 14721,9 | Захира капитал: 67464,7 |
| 1-бўлим бўйича жами: 70085,6 | Тақсимланган фойда: 2490,0 |
| 2-бўлим бўйича жами: 154625,6 | 1-бўлим бўйича жами: 126459,4 |
| | 2-бўлим бўйича жами: 98251,8 |
| Баланс активи бўйича Жами: 224711,2 | Баланс пассиви бўйича Жами: 224711,2 |

***127-ҳиссадорлик автотранспорт жамоаси 2003 йил якунлари бўйича навбатдаги умум жамоа йиғилишини 2004 йил 16 апрел соат 16.00 да ўтказади.***
***Манзил: 700034, Тошкент шаҳар, Қорасарой кўчаси, 325-уй.***

Сергели тумани «Jas-Bob-Shoh» хусусий фирмасига тегишли бўлган завод рақами 507693 бўлган Сергели туман ДСИ дан 2003 йил 9 декабрда 782-сон билан рўйхатдан ўтган «Меркурий 115 Ф» русумли назорат-касса машинаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## ЗАЙТУН ДАРАХТИ ХОСИЯТИ

**Зайтун—зайтундошлар оиласига мансуб. Баландлиги 4-7 метргача борадиган доимий яшил дарахт. Барглари майда, текис қиррали. Гуллари оқ рангда бўлади. Меваси данакли. Меваси куз-қиш бошларида пишиб етилади.**

Зайтун — республикамизда ўстирилмайди. Унинг мойи Грециядан келтирилади ва кўпроқ Тошкент шаҳрида сотилади. Туркманистон, Озарбайжон, Қрим, Грузияда ўстирилади. Зайтун меваси таркибида асосан мой, оқсил, гликозидлар, дармондорилар бор.

Табобатда унинг мойи қадрланади. Зайтун мойи табобатда қадимдан ишлатилиб келинади. Табобат илминиг қуёши Абу Али Ибн Сино зайтун борасида шундай битиклаган:

«... Мўйни сақлайди, ҳар кун ишлатилса, мўйнинг тез оқаришини тўхтатади. Чиркли яраларни тозалайди. Эскирган зайтун ёғи суртма қилинса, подагра билан оғриганларга фойда қилади. Ёввойи зайтун ёғи билан оғиз чайқалса, қонайдиган милкка фойда қилади ва қимирлайдиган тишларни маҳкамлайди. Кўзга тушган сув (катаракта) ва оқни кетказади. Ичакнинг бураб оғришига ва гижжаларга қарши ишлатилади. Яллиғли қулунжга фойда беради....»

Зайтун мойига саримсоқ ва сабзи қўшиб пиширилгани қорингга сув йиғилишида наф беради.Зайтун мойининг қуйқаси қуруқ баданларда пайдо бўладиган яраларни битиради. Эрмак ўсимлиги билан зайтун мойи аралашмаси чивинларнинг баданга қўнишига тўсиқлик қилади. Зайтун мойи сурги дори сифатида яхши наф келтиради. Ўт пуфагида тош бўлса зайтун мойида эритиш хосияти бор. Бунда лимон суви билан аралаштирилади ва махсус муолажа усулида даво қилинади. Зайтун мойининг хосиятлари жуда бисёр. Муҳаммад пайғамбар Расулуллоҳ алайҳиссалом ҳадисларда айтадилар:

«Зайтун билан биянинг ёғини ўзингизга суртинг, чунки у муборак дарахтдан чиқади».

Олимларнинг таъкидлашича, Грецияда юрак хасталигига чалинганлар кам экан. Сабаби улар кўпроқ зайтун мойини истеъмол қилишар экан. Демак, зайтун мойи юракка ҳам малҳам экан. Зайтун мойи орқали камфора таъсирини юракка етказишда қўлланилади.

Шуни ёдда тутиш керакки, зайтун мойи оғзи зич ёпилган ҳолда сақланиши даркор. Бильакс унинг таркиби ўзгаради ва шифобахшлик хусусияти йўқолади. Даво сифатида зайтуннинг ғўралигида олинган мойи фойдалироқ. Зайтун мойи қадоқланадиган махсус идишлар ёрлиғида зайтун меваси ғўралигида пишганда олинган сурати яққол акс эттирилади. Харид қилиб олинаётганда ана шунга эътибор бериш керак. Акс ҳолда баъзи сотувчилар билиб-билмасдан тўғри келган мойни зайтун ёғи деб сотишга ҳаракат қиладилар.



**Аёл борки, олам мунаввар. Аёлни эъзозлаш ва унга эҳтиром кўрсатиш эса халқимизга хос хусусиятлардан биридир. Шаҳримизда аёллар маънавиятини ошириш, ҳақ-ҳуқуқларини янада яхшироқ билишларига кўмаклашиш мақсадида тез-тез турли анжуманлар, танловлар, давра суҳбатлари ўтказиб турилади.**

*Тадбирлар*

## АЁЛ АЗИЗ ВА МУҚАДДАС

Яқинда Миллий банк гузарида Ҳамза туман ҳокимлиги ва туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбир «Аёл азиз ва муқаддасдир» деб номланди. Жамоат ишларида фаол, ташаббускор, оқила, фахрий 300 дан ортиқ аёллар иштирокидаги мазкур тадбирда хотин-қизларнинг жамиятимиз ҳаётида эришаётган ютуқлари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, тадбир давомида ўзбек аёлларининг маънавияти, маърифати, ҳуқуқи мавзуларидаги давра суҳбатларини нафақат шаҳримизда, балки мамлакатимизнинг турли вилоятларида ҳам ташкил қилиш лозимлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, аёллар — суюкли онахонлар, назокатли опасингиллар мамлакатимизда доимо қўллаб-қувватлаб келинади. Зеро, уларни эъзозлаш ва ҳурматлаш энг олий фазилатдир.

**Камола РИЗАЕВА**

**Дунёда шундай инсонлар борки, ёрдамга муҳтож, касалманд, ногиронларга қўлларидан келганича, ўз кучлари ва имкониятларига қараб ёрдамлашадилар, моддий кўмак берадилар. Улар ўз юмушларини ихтиёрий равишда амалга ошириб, эвазига ҳеч қандай мукофот кутмайдилар, ҳеч қандай фойда ҳам кўрмайдилар. Улар «Меҳр-шафқат ҳамшираси» номига муносиб бўлган кўнгли юмшоқ, ўзгалар дардини ўзиники каби қабул қила оладиган кўнгиллилардир. Бугунги кунда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятида фаолият кўрсатаётган кўнгиллилар ёрдамидан қанчадан-қанча хаста диллар таскин топиб, меҳр-муҳаббатга муҳтож болажонлар эзгулик ва саховатдан баҳраманд бўлмоқда.**

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

## ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

Куни кеча Сергели туман ҳокимлигида хайру саховат йўлидаги ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар кенгаши ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси тиббий-ижтимоий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирга тумандаги энг кам таъминланган, ижтимоий-тиббий ҳимояга муҳтож бўлган, яккаёлғиз, қаровчиси йўқ, кекса, ногирон, кишилар таклиф этилди.

«Меҳр ва мурувват йили» ҳудудий дастури бўйича ташкил этилган ушбу тадбирда «Соғлом авлод учун» жамғармасининг шифокорлари таклиф этилган барча иштирокчиларни тиббий кўрикдан ўтказиб, керакли муолажалар кўрсатдилар, тавсия, йўл-йўриқлар бердилар. Ва «Соғлом авлод» дастури бўйича дори-дармон пакетларини тарқатдилар.

Ёрдамга муҳтож кишиларни ўз тасаруффига олган,Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг Тошкент шаҳар кенгаши ходимлари эса иссиқ кийим-кечаклар бериб улар кўнглини кўтардилар.

Тадбирга келолмаган, ётиб қолган беморларнинг уйларига бориб йўқланди, тиббий ёрдам кўрсатилиб, уларга ҳам кийим-кечаклар тарқатилди.

— Бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туришимиздан мақсад ҳеч кими йўқ, якка-ёлғиз, ногирон инсонларнинг яқин кўмакдошига айланиш, уларга ҳам маънан, ҳам моддий ёрдам кўрсатишдир, — дейди Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар кенгаши Меҳр-шафқат хизмати раҳбари, мутахассис-шифокор Дилором Бердиева. — Меҳр- шафқат ҳамшираларимиз уларнинг ҳолидан доимо хабар олиб турадилар, уй ишларига қарашиб, имкон қадар оғирларини енгил қилиш учун қайғурадилар. Меҳр ва мурувват йилида эзгу мақсадлар йўлидаги ишларимизни яна ҳам кенгроқ давом эттиришни режалаганмиз. Ана шу режалар қаторига «Энг фидойи меҳр-шафқат ҳамшираси» кўрик-танлови ҳам киритилган. Ниятимиз ҳамшираларимиз ўз вазифаларига яна ҳам масъулият ва юракдан ёндошсинлар.

**Отабек НАҲАНОВ,**
**Шарқшунослик институти қошидаги С.Раҳимов академик лицейи талабаси.**

*Жиноятга жазо муқаррар*

## ПАДАРКУШ

***У мастликдан чайқалиб оёғида зўрға турарди. Отасининг куюниб айтаётган гаплари Сарварга худди қовоғарининг ғўнғиллаши каби эшитилиб асабига тега бошлади...***

Мана Сарварнинг турмуш ўртоғи билан ажрашганига ҳам бир йилдан ошибди. Ўртада эса 3 нафар фарзанд сарсон. Бу билан отанинг бир пуллик иши йўқ. Уни фақат бир нарса, шиша ичидаги «шайтон» қизиқтиради холос. Сарвар доим бўкиб ичиб олар, худди қафасдан чиққан вахшийга ўхшаб ўшқира бошларди. Бирон-бир кимсага қўққисдан ташланиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Ўша тун ҳам шундай бўлди. Сарвар ҳар галгидан ҳам кўпроқ ичиб келди, отаси эса ноқобил ўғлига насиҳатини канда қилгани йўқ. Гапдан-гап чиқиб ота-бола уришиб кетдилар. Шундан кейин катта жанжал бошланди. Сарвар жаҳл устида столнинг четида турган пичоқни шаҳд билан қўлига олди ва ўз отасига санчди. Шунча йил катта қилиб, бутун меҳрини берган ота жигарбандининг қилмишларидан азобланиб, кўкрагига санчилган пичоқнинг зарбидан кўзининг олди қоронғулашди ва беҳуш бўлиб йиқилди.

Нажот фаришталари бўлган шифокорлар барака топишсин, улар Нурмат отанинг ҳаётини сақлаб қолишди. Лекин бечора ота тирик қолганига жуда афсус чекаётган эди. Чунки пичоқ унинг жисмини эмас, қалбини жароҳатлади. Не умидлар билан ўғил ўстирган Нурмат ота турмуш ўртоғи тирик бўлганида балки бунақа ишлар юз бермасмиди, деб кўнглидан ҳамма вақт ўтказиб қўярди. Сарвар бўлса қилган бу разил жинояти учун панжара орқасида анчагача қолиб кетса керак...

## ТИЛ КУЙДИРАДИ, НАФС ЎЛДИРАДИ

***Бу йил Президентимиз томонидан бежизга «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилингани йўқ. Чунки биз нафақат бу йил, балки доимо, ҳар қандай шароитда ҳам бирбиримизга меҳрибон ва мурувватли бўлишимиз даркор. Аммо баъзи бир нобакорлар бировларнинг молини олибми, жонини олибми нафсини қондирса бўлгани...***

Собир Раҳимов туманида яшовчи Даврон тун ярмидан оққан маҳал Уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатидан 300.000 сўмлик озиқ-овқатни ўғирлаб қочаётганида далилий ашёлар билан патруль пост хизмати бригадасининг 2-батальони ходимлари томонидан қўлга олинди.

«Олғирлик офат келтирар, баднафслик ҳалокат», деганларидек ҳалол инсонларнинг нонини ўғирлаган кимсага жазо муқаррардир.

## ЁЛҒОН ХАБАРНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

***Тун. Шаҳар кўчаларини тунги чироқлар худди кундузгидек ёритиб турибди. Анвар янги сотиб олган «Нексия»сини кўча бўйлаб хаёллар оғушига берилиб бошқариб борарди. У анчадан бери севиб юрган Мадинаси ҳақида ўй сурарди. Анвар Мадинанинг кўнглини олишга қанчалик уринмасин бу ишнинг уддасидан чиқа олмаётганди.***

Шу маҳал чорраҳадаги йўлчироқнинг қизил чироғи ёниб қолди. Анвар бунга эътибор бермади ва шамол тезлиги билан машинасини «учириб» чорраҳадан ўтиб кетди. Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси ходимлари ушбу йўл ҳаракати қоидасини бузган шахсни назардан четда қолдирмадилар ва автоуловнинг орқасидан тушдилар. Анвар қизил чироқда ўтиб кетгани учун, кетидан Йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси ходимлари қувиб келишаётганини кўриб машинанинг тезлигини оширди. У рулни ўнгга буриб нотаниш бир маҳалланинг ичига кириб кетди. Туннинг қоронғулигидан фойдаланган Анвар бир бурчакка бориб машинасини тўхтатди ва чироқларини ўчирди. Йўл-ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси ходимлари эса излай-излай орқаларига қайтиб кетдилар. Бундай вазиятга ҳеч ҳам тушмаган Анвар машинасини ташлаб, милиция ходимларига қўнғироқ қилди ви кимдир унинг автоуловини ўғирлаб кетганлиги ҳақидаги хабарни берди. Шунда милиция ходимлари машинани қидириш бўйича ишга киришдилар. Улар Анварни бўлиб ўтган воқеага ойдинлик киритиш учун саволларга «кўмиб» ташладилар. Табиийки Анвар бундан довдираб қолди ва саволларга бир-бирига зид бўлган жавобларни бера бошлади. Жабрланувчининг «ғалати» кўрсатмаларидан тезкор ходимлар шубҳа қилдилар. Улар бўлиб ўтган воқеанинг «тагига» бир зумда етдилар. Анвар эса қилган қилмишини бўйнига олди ва ёлғондан хабар берганлиги учун Жиноят кодексининг 237-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилди.

**Феруза УМРЗОҚОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази жамоатчи мухбири**

*Футбол*

## «ПАХТАКОР» — БИРИНЧИ ЎРИНДА

***Ўтган куни олий лига жамоалари ўртасида учинчи тур беллашувлари бўлиб ўтди. Қизиғи шундаки, тур ўйинлари ниҳоятда сермаҳсул кечган бўлса-да, унда тўплар фақат рақиб жамоалар дарвозаларига киритилди. Яъни барча ўйинларда «қуруқ» ҳисоблар қайд этилди.***

Шаҳримизнинг бош жамоаси «Пахтакор» бу гал Бухоро шаҳрида «Бухоро» жамоасига қарши тўп сурди. Ўйин майдонга жанговар таркибда тушган пахтакорчиларнинг тўла устунлигида ўтди.

Ўйиннинг йигирманчи дақиқасида жарима тўплари устаси, кучли зарбага эга Сервер Жеперов ўз йўналишига фарқли ўлароқ тўпни боши билан киритган ҳолда ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Биринчи бўлим охирлаб қолганида ҳужумкор ҳимоячи Гочкули Гочкулиев ҳисобни оширди.

Иккинчи бўлимда Элдор Магдиев ўз тўпи билан учрашувга сўнгги нуқта қўйди. Шундай қилиб, мавсумда ўзининг қаторасига учинчи ғалабасига эришган «Пахтакор» тўққиз очко жамғарган ҳолда 12:0 тўплар нисбати билан турнир жадвалида карвонбошилик қилмоқда.

Шаҳримизнинг яна бир жамоаси — «Трактор» ўз майдонида М.Исмоилов киритган тўп орқали «Машъал»ни 1:0 ҳисобида енгди.

Пойтахтнинг учинчи жамоаси бўлмиш «Локомотив» учун ҳам тур муваффақиятли кечди. Жуда кучли «Қизилқум» клуби билан сафарда тўп сурган ҳамшаҳарларимиз 0:0 ҳисобидаги дурангга эришишди. «Локомотив» турнир жадвалида тўртинчи ўринда бормоқда.

Қолган ўйинлар қуйидаги натижалар билан тугади: «Насаф» — «Металлург» — 7:0, «Навбаҳор» — «Сурхон» — 6:0, «Самарқанд Д» — «Андижон» — 3:0, «Сўғдиёна» — «Нефтчи» — 0:2.

**(Ўз мухбиримиз)**

Республика Саломатлик институтининг Тошкент шаҳар филиали маъмурияти Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Миралишер Садриддинович Исломовга отаси

**Садриддин ИСЛОМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«КАФОЛАТ» Давлат акциядорлик-суғурта компанияси Тошкент шаҳар филиалининг жамоаси филиалнинг директори Бахтиёр Мирзахмедовга акаси

**Ниғматулла ФАЙЗИЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Шайхонтоҳур тумани маданият ишлари бўлими ва Ибн Сино номли маданият маркази жамоаси «Умид» халқ студиясининг бош хормейстери ва дирижёри, кекса санъаткор

**Мирсодиқ УМАРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

*Кўргазмалар*

# ЯПОН ҚЎҒИРЧОҚЛАРИ ОЛАМИДА

***Қадимги дунёнинг барча бурчакларида қўғирчоқлар турли мақсадларда яратилган: сеҳрли кучга эга жисмлар сифатида, сажда қилиш учун руҳларнинг тимсоли сифатида ёки шунчаки завқланиш учун. Ҳозирги кунгача эса бирор мамлакатда қўғирчоқ ясаш бўйича ноёб анъаналарни сақлаб келаётган Япониядаги каби қўғирчоқларнинг шу қадар кўп тури мавжуд эмас.***



Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Япон жамғармаси томонидан Кунчиқар мамлакат қўғирчоқлари кўргазмаси очилди.

— Япон қўғирчоқлари дарахт, қоғоз, мато ёки сополдан ясалади. Ясаш услубларининг кўплиги эса қўғирчоқлар чиройини яратишга ва ранглар бойлигини акс эттиришга хизмат қилади, — дейди кўргазма очилишида сўзга чиққан Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато. — Қўғирчоқлар юқори даражадаги маҳорат намунаси ҳисобланиб, оддий болалар ўйинчоқлари сифатида эмас, балки амалий безак ижодиётининг алоҳида тури, санъат мақомига эришганидир.

Дарҳақиқат, япон қўғирчоқларига оддий болалар ўйинчоқлари сифатида қараш нотўғри. Қўғирчоқлар тарихи чуқур илдизга эга. Энг қадимги қўғирчоқнинг эрамиздан аввалги 24 минг йиллик тарихи мавжуд. Япон қўғирчоқларининг келиб чиқиши қадимги Дземан даври, тахминан эрамиздан аввалги 3 минг йил аввал бўлган даврга бориб тақалади.

Маълумки, қўғирчоқлар ўз номига мос ҳолда бўялган ёки тўқилган матодан тикилган либосларга кийинтирилган бўлиб, асосан кўриб, завқланиш учун мўлжаллангандир. Бундай қўғирчоқларни ясаш жараёни бир неча босқичдан иборат: аввал уста қўғирчоқларнинг бошини чиройли қилиб тайёрлайди, сўнг либос устаси унга дид билан тикилган кимано кийдириб безатади, бошқа уста қўғирчоқнинг оёқ ва қўлларини ясайди. Мамлакатнинг турли қисмларида бўяшнинг ўз усуллари мавжуд. Рангларни ишлатишда ҳар бир вилоят ўзининг бетакрор услубини сақлаб келмоқда.

Кўргазмадан ўрин олган Уцубо қўғирчоқлари — «Уцубо моноготари» мумтоз япон эртагидан шаҳзода ва шаҳризода, «Кабуки» театрининг қўғирчоқлари, Хаката қўғирчоқлари (Кюсю оролининг Хаката қисмида яратилган), Донишманд қўмондон — кўп сонли урушлардан кейин ўз халқига тинчлик келтирган Япон қаҳрамони Тойотоми Хидейоши (1537-1598) каби асарлардан замонавий қўғирчоқлар бадиий дунёси, унинг бетакрор анъанаси ва япон халқининг бугунги ҳаётига чуқур кириб борганини англаш мумкин.

Кўргазма 25 мартга қадар давом этади.

**Юлдуз УСМОН**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.**



***Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактаб ўқувчиси Азизбек Қурбонов учун МҲСК қошидаги дзюдо секциясида шуғулланиш ҳаётининг ажралмас қисмига айланди.***

*Дзюдо*

# МАҲОРАТИ ОШИБ БОРМОҚДА

Албатта, бу бежиз эмас. Азизбекнинг отаси Нодир ака ёшликдан курашнинг мухлиси бўлиб, ўғлининг қизиқишларини қизғин қўллаб-қувватлади. Оиладаги соғлом турмуш тарзи, жисмоний тарбия, тобланишга интилиш руҳи Азизбекнинг спорт билан профессионал тарзда шуғулланишига омил бўлди.

Ўз олдига қўйилган мақсад сари интилиш хислати ёш дзюдочининг Республика биринчиликлари ва халқаро мусобақаларда ғолиб ва совриндорлар сафидан ўрин олишига имкон яратмоқда. Шу сабабдан ҳали жуда ёш — 13 баҳорни кўрганига қарамай у дзюдо бўйича спорт усталигига номзод талабларини бажаришга муваффақ бўлди. Унинг устози — республикада хизмат кўрсатган мураббий Фарҳод Оғаев ҳам шогирдининг маҳорати сайқалланиши йўлида бор куч-маҳоратларини сарфлаб келмоқда.

Дзюдо билан беш йилдан буён шуғулланиши Азизбекнинг чайир, чаққон, кучли ҳолда ўсишига омил бўлмоқда. Бунда эса у ўрнак оладиган заҳматкашлар кўп. Ўйлаймизки, Азизбек халқаро мусобақаларнинг бир неча бор ғолиб ва совриндори Фарҳод Оғаев ва олимпиада ўйинларининг кумуш совриндори, дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийси Армен Багдасаровдан ўрнак олган ҳолда келажакда спортда юксак чўққиларни забт этади.



**Дамир ИСМАТОВ.**

**СУРАТДА: Азизбек Қурбонов машқ пайтида.**

**Алексей Попов олган сурат.**

# Табассум

Ёш шифокор қиз бемор қариянинг кўкрак қафасига қулоқ тутиб, сўради:

— Нимани ҳис қиляпсиз?

— Ёшлик йилларимни эслаяпман.

* * *

Қаерингиз оғрияпти, — деб сўради доктор бемордан:

— Айтмайман, зўр шифокор бўлсангиз ўзингиз топинг.

— Унда ветеринарга мурожаат қилинг.

У савол бермай бемалол ташхис қўя олади.

* * *

Талаба ота-онасига хат йўллади:

— 1000 сўм пул жўнатинглар. Келинингиз билан суратга тушиб, сизларга юбораман.

Тез орада уйидан жавоб хати олди:

— Болажоним, 500 сўм пул жўнатаяпмиз. Сенинг қандайлигингни яхши биламиз. Бизга келиннинг суратини юборсанг бўлди.

* * *

— Мамарайим, туғилган кунингга нима совға қилишди?

— Ҳар доимгидай футбол тўпи ва рогатка.

— Бу совғаларни кимдан олдинг?

— Дадамдан.

— Дадангдан?!

— Ҳа-да. Менинг дадам ойнасоз бўлиб ишлайдилар.

* * *

— Ҳой бола нега йиғлаяпсан?

— Дадамни йўқотиб қўйдим.

— Қаерда яшайсан?

— Қатортол кўча, 60-уйда.

— Манзилингни билар экансан, уйингни топиб бора олмайсанми?

— Менку топиб бора оламан. Лекин дадам топиб бора олармикан?

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 5252 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-407. 1 3456